

КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ

_____ - тартиб рақамли

2026 йил “ _____ ”

Тошкент шаҳри

Қуйида "Банк" деб номланувчи "Давр банк" хусусий акциядорлик тижорат банки **Олмазор филиали** номидан 30.12.2024 йилдаги №27248 - сонли Ишончнома асосида иш юритувчи Бошқарувчи в.в.б. Н. Т. Акрамов бир томондан, ва қуйида «Қарз олувчи» деб номланадиган, _____ номидан гувоҳнома (№ _____ рақамли гувоҳнома _____ берилган) асосида фаолият юритувчи _____, Қарз олувчининг **бизнесини ривожлантириш мақсадида (нақд пулда)** мазкур Кредит шартномасини (қуйида - Шартнома) қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур Шартноманинг матнига кўра, бошқача маъноси аниқ кўрсатилган ёки контекстдан келиб чиқадиган ҳоллардан ташқари, мазкур бўлимда таърифлари берилган атамалар қуйидаги маъноларга эга:

Кредит – Банк томонидан Қарз олувчига мазкур Шартноманинг шартлари асосида берилладиган Кредитнинг Валютадаги умумий миқдори.

Кредитор/Банк – маблағлари лойиҳани молиялаштириш учун жалб этиладиган “ДАВР БАНК” ХАТБ _____ филиали.

Контракт – Лойиҳа бўйича ишлар ва хизматлар курсатиш ҳамда ускуналар, материалларни етказиб бериш юзасидан шартномалар бошқа битимлар.

Кредитнинг Валютаси – **АҚШ Доллари.**

Ишлатилладиган маблағ – мазкур Шартнома бўйича Кредитнинг тўлиқ миқдори ҳамда мазкур Шартноманинг шартларига мувофиқ Қарз олувчи томонидан Кредитнинг ишлатилган қисми ўртасидаги фарқ.

Кредит бўйича Қарз олувчилик – Қарз олувчи томонидан қопланмаган Кредит ёки унинг қисми.

Молиялаштириш очилиши санаси – мазкур шартноманинг шартларига мувофиқ кредит ҳисобидан биринчи тўлов санаси.

Кредитдан фойдаланиш даври – Кредит, асосий қарзни қайтариш бўйича **3 (уч) ой имтиёзли давр билан 60 (Олтмиш) ой муддатда (02.03.2030 йилгача)** ёпиш шarti билан Қарз олувчи кредитдан мазкур шартноманинг шартларига мувофиқ фойдаланиши мумкин бўлган давр тушунилади, молиялаштириш очилиши санасидан, лекин кечи билан бир ойда кредит маблағидан фойдаланиши лозим.

Фоизларни тўлаш санаси – ўтган ойнинг **02** санасидан жорий ойнинг **01** санасига (шу кун ҳам ҳисобланади) қадар ҳисобланган фоизлар ҳар ойнинг **02** санасида (дам олиш кунига тўғри келиб қолган тақдирда кейинги иш кунида) ундирилади.

Кредитдан фойдаланиш – мазкур шартномага мувофиқ учинчи томонга кредит маблағлари ҳисобидан тўлаш.

Фоиз ставкаси – Банк томонидан берилладиган кредитлар бўйича вақт-вақти билан белгиланадиган, мазкур Шартнома доирасида исталган тўловларни тўлаш бўйича Қарз олувчининг тегишли мажбуриятлари юзасидан белгиланган фоиз ставкаси.

Учинчи томон – мазкур шартнома бўйича томон бўлмаган исталган юридик ёки жисмоний шахс.

Капитал – активларнинг умумий миқдори, қуйидагилардан ташкил топади: (а) шакллантирилган устав капитали, (б) қўшилган капитал, (в) тақсимланмаган фойда, ва (г) махсус мажбуриятларни қоплаш учун мўлжалланмаган резервлар.

Активлар – амалдаги конунчилик билан таъқиқланмаган исталган турдаги мол-мулклар, даромадлар, ҳуқуқлар ва даъволар.



QR код

Қарз олувчи _____

Ушлаб туриш ҳуқуқи – исталган зақолат, гаров, талаб, имтиёзли ҳуқуқлар, ипотека, ҳуқуқларнинг берилиши, ушлаб туриш, хатлаш, ҳисобга олиш ёки исталган мавжуд ёки бўлғуси активлар, тушумлар ёки ҳуқуқларга нисбатан имтиёзларнинг берилиши юзасидан бошқа чоралар.

1.2. Мазкур шартномада, агар контекстга кўра бошқача талаб этилмаса, бирлик сонни билдирувчи сўзлар кўпликни ҳам ўз ичига олади ва аксинча.

1.3. Мазкур шартномада муайян бўлим ёки бандга ҳавола этиш мазкур шартноманинг ушбу муайян бўлими ёки бандига ҳавола этиш каби талқин этилади.

1.4. Сарлавҳалар фақат қулайлик учун киритилган ҳамда мазкур Шартноманинг талқинларига даҳл этмайди.

II. КРЕДИТ ВА КРЕДИТНИНГ ВАЛЮТАСИ

2.1. Банк Мижозга жалб қилинган хорижий линиялар маблағи ҳисобидан _____ (_____) **АҚШ Доллари** миқдорда мижозга **бизнесни ривожлантириш мақсадида (нақд пулда)** мазкур Шартномада қуйида баён этилган ёки айтиб ўтилган шартлар асосида Кредитни беришни ўз зиммасига олади. Банк Бош офис кредит кўмитаси томонидан Мижозга кредит ажратилиши юзасидан ижобий қарор қабул қилинган тақдирда ва Мижоз томонидан барча зарур ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг 5 иш куни ичида кредит миқдорини ажратиш мажбуриятини олади.

2.2. Банк Кредитни беришга рози бўлган Лойиҳанинг, Контрактнинг ёки улар юзасидан исталган ҳаражатларнинг қиймати камайган тақдирда, Банк бошқача ҳолга рухсат бермаган тақдирда, Кредитнинг миқдори ҳам тегишли миқдорга камаяди.

III. КРЕДИТДАН ФОЙДАЛАНИШ.

3.1. Банк томонидан кредит фақат Қарз олувчига **бизнесни ривожлантириш мақсадида (нақд пулда)** ажратилади.

3.2. Молиялаштиришнинг очилиши ва кредит ҳисобидан тўловларнинг тартиби мазкур Шартномада белгиланган муддатларда, Қарз олувчи томонидан Лойиҳа бўйича тегишли ҳужжатларни тақдим этиш орқали амалга оширилади.

3.3. Молиялаштиришнинг очилиши, ҳужжатларни қабул қилиш, текшириш ҳамда Кредитдан фойдаланиш ва уни қайтариш бўйича барча тўловларни ва мазкур Шартнома бўйича бошқа барча тўловларни амалга ошириш амалиётлари амалдаги банк қоидалари ва амалиётига, тўлов ҳужжатларидаги Қарз олувчи учун амалдаги тартиб шартларига ҳамда мазкур Шартноманинг шартларига бўйсунди.

3.4. Лойиҳани бажариш муддатлари кечиктирилган ҳолда Кредитдан фойдаланиш даври Банкнинг ихтиёрига кўра узайтирилиши мумкин.

3.5. Кредитдан фойдаланиш жараёни давомида кредитлашнинг асосий тамойиллари: муддатлилик, қайтаришлилик, мақсадлилик, тўловлилик ва таъминланганлигига риоя қилиш.

3.6. Мазкур Шартнома бўйича Кредит ҳаракатини ҳисобга олиш учун Банк Қарз олувчининг номига ссуда ҳисоб рақамини очади ва Қарз олувчининг ёзма сўровига биноан Қарз олувчига ушбу ҳисоб рақамидан кўчирмаларни тақдим этиб боради.

3.7. Қарз олувчининг Кредитдан фойдаланиш юзасидан исталган талаблари, топшириқлари ва сўровлари чақириб олинмайдиган бўлади.

3.8. Қарз олувчи Банк томонидан мазкур Шартноманинг шартларига, Қарз олувчининг талаблари ва сўровларига мувофиқ Кредитнинг ҳисобига амалга оширилган исталган тўловларни сўзсиз равишда ўз қарзи деб тан олади.

3.9. Банкнинг Қарз олувчининг ҳисоб рақамларидан кўчирмалари, яққол хатолар бўлмаганда, Қарз олувчининг мазкур Шартнома бўйича тўлов мажбуриятлари юзага келиши ёки бажарилишининг якуний тасдиғи бўлади.

IV. КОМИССИЯЛАР, ХАРАЖАТЛАРНИНГ ҚОПЛАНИШИ ВА ТЎЛОВЛАР



Қарз олувчи _____

4.1. Қарз олувчи томонидан мазкур Шартнома бўйича Банкка амалга оширилган ҳар қандай тўловлар бошқа бажарилиши мажбурий бўлган қоидалар бўлмаганда Банк томонидан Қарз олувчининг мажбуриятларини бажаришга қуйидаги тартибда йўналтирилади:

- 1) асосий қарз бўйича муддати ўтган қарздорлик ва муддати ўтган фоиз тўловлари мутаносиб равишда;
- 2) жорий давр учун ҳисобланган фоизлар ва жорий давр учун асосий қарз бўйича қарздорлик;
- 3) неустойка (жарима, пеня);
- 4) кредиторнинг қарздорликни узиш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳаражатлари.

4.2. Агар Қарз олувчи томонидан мазкур Шартнома бўйича тўланиши зарур бўлган бирор-бир тўлов Ўзбекистон Республикасида иш куни бўлмаган кунга тушиб қолса, бундай тўлов кейинги энг яқин иш кунида амалга оширилиши ва у фоизларни ҳисоблаш учун киритилиши лозим.

4.3. Қарз олувчи Банкнинг биринчи талабига кўра қуйидагиларнинг натижаси сифатида мазкур Шартноманинг бажарилишига боғлиқ ҳолда Банк кўрган ёки Банк амалга ошириши лозим бўлган барча қўшимча ҳаражатларни (ёки мижознинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида кўриши мумкин бўлган фойдани йўқотиши билан боғлиқ бўлган маблағларнинг бир қисмини компенсация қилиб тўлаб бериш йўли билан) қоплаб беради:

- а) Қарз олувчининг мазкур Шартномани бажариш бўйича ҳаракатлари ёки талаблари;
- б) Қарз олувчи томонидан мазкур Шартнома бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширмаслик;
- в) исталган тўловни муддатидан илгари амалга ошириш ёки Қарз олувчи шундай муддатдан илгари тўловни амалга ошириш нияти ҳақида хабардор этганидан сўнг шундай муддатидан илгари тўловни амалга оширмаслик;
- г) Банк томонидан олинган кредит таъминотини олиш, руйхатдан ўтказиш, суғурталаш ва сотиш бўйича Банкнинг исталган қўшимча ҳаражатлари;
- д) Банкнинг мазкур Шартнома бўйича ҳуқуқларини амалга ошириш ёки Кредит таъминотини сотиш билан боғлиқ ҳаракатлари;
- е) Банкнинг рўйхатдан ўтказиш, таъминотни олиш ва тақдим этиш бўйича барча кўзда тутилган ҳаражатлари, шунингдек Кредитор билан Қарз Битимига хизмат кўрсатиш билан ҳамда унга Қарз Битими бўйича қарзнинг миқдорида Кредитнинг улушига мутаносиб (пропорционал) ҳолда қарз бўйича таъминотнинг берилиши билан боғлиқ бўлган эҳтимолий ҳаражатлар.
- ж) Қарз олувчи томонидан мазкур шартноманинг бошқа исталган шартлари бажарилмагани билан боғлиқ бўлган ва Банкнинг ҳаражатларига олиб келган барча асосли ҳаражатлар;

Қарз олувчи Банк қўшимча ҳаражатларга олиб келувчи исталган Қарз олувчининг талабларини ёки мазкур Шартноманинг шартларини то Қарз олувчи Банкнинг ихтиёрига шундай ҳаражатларни тўлаш учун етарли бўлган маблағни бермагунча бажармаслиги мумкинлигига рози бўлади.

4.4. Кредитни қайтариш ва фоизларни тўлаш юзасидан барча тўловлар Қарз олувчи томонидан Кредитнинг Валютасида ёки тўловлар амалга ошириладиган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича миллий валютада амалга оширилиши мумкин. Қарз олувчи олинган кредит бўйича валюта курсидаги ўзгариш хатарлари тўғрисида банк томонидан огохлантирилади.

Қарз олувчининг хорижий валютада кредит олишга бўлган танлови ва бундай танловга кўра хорижий валюта курсининг ўзгариши натижасида хорижий валютада олинган кредит бўйича миллий валютадаги қарз юқининг ошиши билан боғлиқ равишда келиб чиқадиган оқибатлар қарз олувчининг таваккалчилиги ҳисобланади.

Қолган барча тўловлар, шу жумладан, Қарз олувчи томонидан Банкка мазкур Шартнома бўйича тўланадиган ёки қоплаб бериладиган исталган қўшимча ҳаражатлар, Қарз олувчи томонидан Банкка Банкнинг тегишли ҳаражатларининг валютасида тўланади.

4.5. Қарз олувчининг мазкур Шартнома бўйича тўлов мажбуриятлари фақат Банк тегишли тўловнинг валютасида керакли маблағни олганидан кейингина бажарилган деб ҳисобланади. Банк Қарз олувчининг мавжуд маблағларини тўлов валютасига айлантириш учун Банкнинг назоратидан ташқари бўлган ҳолатлар ёки воқеалар туфайли келиб чиққан исталган кечиктириш



учун жавобгар бўлмайди.

4.6. Банк томонидан мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш ёки Кредит бўйича исталган таъминотни сотиш натижасида Банк Қарз олувчидан келиб тушиши керак бўлган тўлов валютасидан бошқа валютани олган ҳолда ёки

а) исталган сабабларга кўра тўлов валютасидан Банк фойдалана олмаса, ёки

б) Қарз олувчи томонидан мазкур Шартнома бўйича тўлов мажбуриятлари бажарилмагани туфайли, Банк учинчи томон олдидаги мажбуриятларини бажариш учун тегишли тўловнинг валютасидан бошқа валютадан фойдаланган бўлса, у ҳолда Банк ўз ихтиёрига кўра Банк ёки Қарз олувчининг ихтиёрида бўлган исталган валютани тўлов валютасига ушбу тўлов валютасидан Банк валюта бозорида шу санага устувор бўлган сотиб олиш курси бўйича олиб фойдаланиши мумкин бўлган энг яқин санада конвертация қилишга ҳақли. Бундай конвертация бўйича барча ҳаражатларни, шу жумладан Банкнинг конвертация санасидан то Қарз олувчи томонидан Банкка тўлиқ маблағ миқдори қоплаб берилган санасигача юз берган валюта курсининг ўзгаришлари туфайли зарарларини Қарз олувчи қоплаб бериши лозим. Банк бундай ҳолда Қарз олувчи банкка биринчи талабига кўра қоплаб бериш мажбуриятини зиммасига оладиган унинг кўрган ҳаражатлари, маблағлар миқдори ва валютаси ҳақида Қарз олувчини хабардор қилади.

V. ФОИЗЛАР

5.1. Қарз олувчи фоизларни тўлаш санаси келганда Банкка Кредитдан фойдаланиш учун фоизларни Кредитнинг валютасида йиллик ўзгармас **14,99 (Ўн тўрт бутун юздан тўқсон тўққиз) фоиз** миқдорда тўлайди.

5.2. Фоизлар Кредит бўйича Қарзнинг кунлик қолдиғи миқдоридан йилига 365 кун ҳамда тўловлар ўртасида ўтган кунларнинг ҳақиқий сони асосида ҳисобланади, бунда кунлар сонини ҳисоблашга фоизларни ҳисоблаш даврининг биринчи куни киритилади ва амалда тўланган куни чиқариб ташланади. Кредит миқдори аннуитет тартибда қайтарилади.

VI. КРЕДИТНИ ҚАЙТАРИШ ВА ФОИЗЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

6.1. Кредит бўйича асосий қарзни, у бўйича фоизларни ва бошқа тўловларни қайтариш Қарз олувчининг барча ҳисоб рақамларидан амалга оширилади. Кредит бўйича тўловлар 1-иловада келтирилган тўлов жадвали асосида амалга оширилади.

6.2. Агар Кредитнинг ишлатилмаган қисми Кредитнинг мазкур Шартнома бўйича тўлиқ миқдоридан камроқ бўлиб чиқса, Кредитни қайтариш тўловлари Кредитнинг ишлатилмаган қисми миқдорида камайтиради.

6.3. Шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган тўлов жадвали шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

VII. КРЕДИТ ВА ФОИЗЛАРНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ҚАЙТАРИШ

7.1. Қарз олувчи Кредит бўйича бир ёки ундан ортиқ тўловни муддатидан илгари, мазкур шартнома билан белгиланган Кредит бўйича тўловларнинг исталган санасида жарималарсиз қуйидаги шартлар асосида амалга ошириши мумкин:

а) Қарз олувчи мазкур Шартнома доирасида исталган тўловлар бўйича муддати ўтган Қарз олувчиликка эга эмас ва Банкнинг олдида бошқа бажарилмаган мажбуриятларига эга эмас;

7.2. Кредитнинг муддатидан илгари қайтарилган исталган миқдори Кредитни қайтариш бўйича тўланмай қолган тўловлар бўйича акс кетма-кетликда Кредитни қайтариш каби ҳисобга олинади.

7.3. Кредитнинг муддатидан илгари қайтарилган исталган миқдори такроран ишлатилиши мумкин эмас (очиқ кредит линияси асосида ажратилган кредитлар бундан мустасно).

7.4. Қарз олувчи кредит учун ҳисобланадиган фоизларни фоиз тўлаш муддати келгунига қадар тўлов топшириқномаси асосида 22812... (келгуси давр фоизли даромадлар) ҳисобварағига ўтказиши мумкин.



QR код

Қарз олувчи _____

7.5. Қарз олувчи ўзининг асосий ҳисобрақамини Банкдан олиб чиқиб кетишни режалаштирган бўлса, Банк томонидан ажратиб берилган кредит аввал тўлиқ қайтарилиши лозим.

7.6. Қарз олувчи асосий қарз миқдорини муддатидан олдин қисман тўлаган тақдирда, банк Қарз олувчига янги тўлов жадвалини расмийлаштириш мажбуриятини олади ва эски тўлов жадвали ўз кучини йўқотади.

VIII. МУДДАТИ ЎТГАН ТЎЛОВЛАР

8.1. Кредитни қайтариш муддати бузилганда Қарз олувчи Банкка қуйидагича оширилган фоизлар тўлайди:

- муддатини ўтказиб юборишнинг биринчи кунидан бошлаб – муддати ўтган асосий қарзга нисбатан йиллик 100% (бир юз фоиз)дан оширилган фоизлар ҳисоблаб барилади. Лекин бу миқдор фоизлар, неустойка (жарима, пеня)ларни қўшиб ҳисоблаганда шартнома бўйича йиллик қарз суммасининг ярмидан кўп миқдорини ташкил этмаслиги керак.

Банк оширилган фоизларни Қарз олувчининг ҳар қандай ҳисоб рақамларидан акцептсиз равишда мемориал ордер ёки тўлов талабномаси воситасида ундириб олиш ҳуқуқига эга ва Қарз олувчи бунинг учун барча тегишли ваколатларни Банкка беради.

8.2. Қарз олувчининг мазкур Шартнома бўйича муддати ўтказиб юборилган тўловлари Банкнинг талабига кўра дарҳол тўланиши лозим. Қарз олувчи томонидан кредит бўйича асосий қарз ва фоизларни тўлаш муддати ўтказиб юборилганда, Банк Қарз олувчининг ҳисобварағларидан шартнома асосида келиб чиққан муддати ўтган қарздорликни қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олишга ҳақлидир.

8.3 Қарз олувчи Кредитни қайтариш графигида назарда тутилган муддатда кредит тўловини кечиктирган тақдирда тўлов муддати бузилган деб ҳисобланади ва қарздор ушбу ҳолатни тан олади.

IX. ТАЪМИНОТ

9.1. Қарз олувчи кредит таъминоти сифатида Банкка, қуйидагиларни гаровга тақдим этади:

Фуқаро _____

тегишли _____

Кўшимча таъминот сифатида бутун кредитлаш даврига жамият таъсисчилари _____ ва _____ нинг кафилликлари.

Кўшимча таъминот сифатида бутун кредитлаш даврига _____ масъулияти чекланган жамиятининг кафиллиги.

Агар, Қарз олувчи ва кредит берувчи ўртасида низо келиб чиқиб, ишни суд тартибида кўришга тўғри келса, мулкнинг қиймати мулк баҳосини келишиш далолатномасининг 2-бандига асосан белгиланади.

9.2. Қарз олувчи ушбу Шартнома шартларини бузган ва/ёки унинг ҳисобварағида зарур маблағлар бўлмаган тақдирда, қонун ҳужжатлари бўйича Банкка тегишли (сўзсиз равишда қопланадиган) суммани ундириш, Гаров шартномаси асосида гаровга қўйилган мулкка эгалик ҳуқуқини амалга ошириш йўли билан, ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларига асосан амалга оширилади. Қарз олувчи ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда таъминотга тақдим этилган автотранспорт воситаларини (учинчи шахсларнинг автотранспорт воситалари ҳам) банк талаб қилган муддатда ва талаб қилинган жойга келтириб бериш мажбуриятини олади. Банкнинг талаби Қарз олувчи томонидан ўз муддатида қондирилмаган тақдирда банк автотранспорт воситаларини мустақил келтириш чорасини кўради ва Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги қонунининг 19-моддасида белгиланган ҳуқуқларидан фойдаланади.

9.3. Қарз олувчининг фаолияти ҳар қандай ҳолда, ҳар қандай ҳоллар буйича тўхтатиб қўйилгани ёки тугатилганида ҳам, Қарз олувчининг Банк олдидаги қарзи (кредит суммаси, унинг



QR код

Қарз олувчи _____

фоизлари, шунингдек қарз олувчига нисбатан қўлланадиган жарималар) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган янада юқорироқ навбатга эга бошқа кредиторлар билан ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан кейин биринчи навбатда узилиши лозим.

9.4. Кредитни ажратиш миқдор томонидан кредит таъминоти, уни суғурталаш бўйича барча ҳужжатлар тўлиқ қонуний расмийлаштирилиб, филиалга тақдим этилгач мазкур шартномада ва қонунчиликда белгиланган муддатларда амалга оширилади.

9.5. Гаровга қўйувчи мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, Банкнинг гаровдаги мулкни судга мурожаат қилмасдан, суддан ташқари тартибда, шу жумладан электрон аукцион (савдолар) орқали сотувга чиқаришига олдиндан ва сўзсиз розилик билдиради. Гаровга қўйувчи мазкур тартибда гаровни реализация қилишга эътироз билдирмаслигини тасдиқлайди.

9.6. Гаровга қўйувчи гаров шартномаси бўйича мажбуриятлар бузилган тақдирда, Банк томонидан гаровдаги мулкни суддан ташқари тартибда, электрон аукцион орқали сотишга розилик беради ва мазкур реализацияга қарши даъво ва эътирозлар билдирмаслигини кафолатлайди.

X. ҲИСОБОТ ВА МОЛИЯВИЙ МАЖБУРИЯТЛАР

10.1. Агар Банк бошқача тартибга рози бўлмаса, у ҳолда Қарз олувчи Банкка шакли ва мазмуни Банкни қондирувчи қуйидаги ҳисоботлар, изоҳлар ва маълумотларни тақдим этиб боради:

а) Кредит ҳисобидан молиялаштириладиган товарлар, ишлар ва хизматлар юзасидан харажатларга оид Банк асосли сўраши мумкин бўлган батафсиллик даражасида исталган маълумот, хусусан, молиявий ҳисоботлар-охирги ҳисобот йили ҳисоботлар, асосий воситалар, хом-ашё ва тайёр маҳсулот қолдиғи ёйилмалари, муддати ўтган Қарз олувчиликлар бўйича имзоланган ва муҳрланган солиштирма далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, бошқа ҳужалик субъектларида раҳбар ёки бухгалтер ёки бўлмаса таъсисчи сифатида қатнаши ва қатнашмаслиги, юридик ёки жисмоний шахс сифатида амалдаги қарзлари, шу жумладан молиявий ёрдамлар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида ёзма маълумот;

б) Банк оқилона талаб қилган Қарз олувчи хусусидаги ва Лойиҳанинг амалга оширилиши юзасидан исталган бошқа маълумотлар;

в) Қарз олувчи унга салбий таъсир этиши мумкин бўлган исталган муҳим ноқулай ўзгариш ёки юзага келган ҳолатлар ҳақида, Қарз олувчининг мажбуриятларни бажармаслиги ёки мажбуриятларини бажармаслиги эҳтимолий ҳолати тўғрисида, шунингдек Қарз олувчини қайта ташкил этишнинг исталган режалари тўғрисида дарҳол хабардор этади;

г) Қарз олувчи Банкни Кредитни қайтаришга муҳим таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай воқеа(лар) ва вазият(лар) ҳақида хабардор этади.

10.2. Қарз олувчи Банкнинг сўровига кўра Банк ва Кредиторнинг вакиллариغا Лойиҳага ташриф буюриш ҳамда Кредитнинг маблағларидан молиялаштириладиган товарлар ва хизматларни, шунингдек Қарз олувчининг мажбуриятларини бажаришга дахлдор бўлган ҳар қандай бинони, мулкни, ускуналарни, ҳисоботни ва ҳужжатларни кўриб чиқиш имкониятини таъминлайди.

10.3. Агар Банк бошқачага рози бўлмаса, у ҳолда Қарз олувчи ҳисоб, харажатларни назорат қилиш ва ахборотни бошқариш тизимини таъминлайди, амалларга риоя қилади, Қарз олувчининг молиявий ҳолатини ва унинг амалларининг натижаларини умумқабул қилинган бухгалтерлик ҳисоби стандартларига мувофиқ ҳолда аниқ ва тўғри акс эттирувчи ҳисоб дафтарларини, молиявий қайдномаларни ҳамда бошқа ҳисоботларни юритади.

XI. ТАСДИҚЛОВ МАЖБУРИЯТЛАРИ

11.1. Агар Банк бошқачага рози бўлмаса, у ҳолда Қарз олувчи қуйидагиларни бажариши лозим:



Қарз олувчи _____

а) Бутун кредитдан фойдаланиш даврида Кредитдан фақат мазкур Шартномада белгиланган мақсадларда фойдаланиш;

б) Лойиҳани тегишлича бажариш учун зарур бўлган пул, моддий ресурс, буюртма, харидорлар ва хизматларни ўз вақтида топиш;

в) ўз фаолиятини амалга ошириш ва мазкур Шартноманинг шартларини бажариш учун барча рухсатномаларни ва лицензияларни ўз вақтида олиш ва узайтириш;

г) ўз хоналари, ускуналари, фаолиятида фойдаланадиган майдон(лар) ва бошқа мулкларни нормал иш ва соз ҳолатда тутиб туриш ҳамда зарур бўлганда дарҳол уларни соғлом молиявий ва технологик амалиётга мувофиқ керакли таъмири ва янгиланишини амалга ошириш;

д) барқарор ва нуқсонсиз обрўга эга бўлган суғурта компанияларида ўз мулкни суғурта қилиш ҳамда Банкнинг талабига кўра бундай суғуртани Банкнинг фойдасига ўтказиш;

е) ўз фаолияти ва амалларини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга ошириш;

ж) Лойиҳани хавфсизлик, соғлиқни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш меъёрлари ва амалиётига мувофиқ амалга ошириш;

з) ҳужжатларни юритиш ва Лойиҳани амалга ошириш устидан назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган амаллар ва ёзувлар ўтказилишини таъминлаш, шу жумладан унинг ҳаражатлари ва эҳтимолий фойдаси юзасидан;

и) ўз фаолияти устидан бухгалтерлик ҳисоби ва назорат қилиш тизимини бухгалтерлик ҳисобининг амалдаги қоидаларига мувофиқ амалга ошириш.

к) Банка текширишларни Лойиҳани амалга ошириш жойида ва бухгалтерлик ҳужжатларини ўрганишларни ўтказишга имкон бериш ва шароит яратиб бориш;

л) Банкдаги ўзининг барча ҳисоб рақамларини мазкур Шартнома бўйича ўзининг барча тўлов мажбуриятлари бажарилгунча ишлатиб туриш;

м) Қарз олувчининг Кредитни қоплаш бўйича мажбуриятлари Қарз олувчи томонидан учинчи шахслар олдидаги бундай мажбуриятларига қараганда биринчи навбатда бажарилиши керак;

н) Қарз олувчининг фойдасидан дивидендлар фақат Банкда очилган махсус жамғарма ҳисоб рақамига жорий Кредит бўйича асосий қарз ва фоизларни тўлаш учун етарли бўлган маблағ ўтказилганидан кейингина тўланиши мумкин;

о) Банк олдидаги қарзини Лойиҳа бўйича, яъни банк кредити ҳисобидан режалаштирилган фаолият, шунингдек Қарз олувчининг бошқа фаолияти учун келиб тушаётган маблағлар ҳисобидан сўндириш.

11.2. Мазкур шартнома кучда бўлган даврда, агар улар кредитланаётган лойиҳага ёки Қарз олувчининг мазкур шартнома бўйича мажбуриятларини бажариш имкониятига салбий таъсир кўрсатадиган бўлса, Банкнинг олдиндан розилигини олмасдан, Қарз олувчи қуйидаги ҳаракатлардан бирортасини **амалга оширмаслик мажбуриятини олади:**

- бошқа кредиторлардан кредит ва бошқа ҳар қандай қарз(лар) олиш, бошқа шахсларга кредит ва қарз бериш, учинчи шахсларнинг кредиторлари олдида кафил (ёки гарант) бўлиб чиқиш, бошқа банкларда бирор-бир ҳисобварақлар очиш;

- мулкнинг ҳаммасини ёки бир қисмини сотиш ёки бошқа йўллар билан бегоналаштириш, бегона шахсларга бериш, ижарага бериш; гаровга қўйиш, ушлаб қолиш ҳуқуқи ва учинчи шахслар фойдасига ўз мулкига нисбатан бошқа имтиёзли ҳуқуқларни вужудга келтириш;

- таъсисчиларнинг алмашиши.

ХII. ИНКОР МАЖБУРИЯТЛАРИ

12.1. Мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати давомида Қарз олувчи Банкнинг аввалдан ёзма розилигисиз қуйидагиларни амалга ошириши мумкин эмас:

а) учинчи томоннинг кредитларини жалб қилиш;

б) учинчи томонга кредитларни бериш;

в) дивидендларни тўлашни ва ҳисоблашни амалга ошириш;

г) шўъба корхоналарни тузиш;



QR код

Қарз олувчи _____

д) Уставга жиддий ўзгартиришларни киритиш, ва унга бирор-бир жиддий ўзгартиришлар киритишга йўл қўйиш;

е) учинчи томон билан бажарилиши мазкур Шартноманинг шартларига зид келиши мумкин бўлган ёки Қарз олувчининг мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларини тегишлича бажаришига хавф солиши мумкин бўлган исталган келишувларга киришиш;

ж) Қарз олувчининг фаолияти ёки мулкнинг барчаси ёки бир қисми учинчи томон билан бошқариладиган келишувларга киришиш;

и) қўшилиш, тугатиш ёки исталган бошқа қайта ташкил этишни амалга ошириш;

к) асосий капиталга кирувчи ўз мулкнинг барчасини ёки бир қисмини учинчи томонларга бегоналаштириш, сотиш ва бериш;

л) асосий фаолияти бўйича ишлаб чиқариш фондлари билан боғлиқ бўлган ўз мулкнинг барчасини ёки бир қисмини учинчи томонларга ижарага бериш;

м) учинчи томонлар фойдасига Қарз олувчининг уларнинг олдидаги мажбуриятлари бўйича таъминоти сифатида ўз мулки ва пул маблағлари, шунингдек номулкий ҳуқуқлари юзасидан гаров, ушлаб туриш ҳуқуқлари ва бошқа исталган имтиёзли ҳуқуқлар шаклида тақдим этиш;

н) учинчи томонга исталган қарз мажбуриятларини муддатидан илгари тўлашни амалга ошириш;

о) Банк кредитидан мазкур шартномада кўзда тутилмаган мақсадларда фойдаланиш;

п) Лойиҳага ва/ёки Контракт қийматига, сотиш муддатларига, ишлаб чиқариш қувватининг ўзгаришига ва маҳсулотнинг сифатига ҳамда томонларнинг кафолат мажбуриятларига таъсир этувчи ўзгартиришлар киритилишига розилик бериш;

р) ўз капитални қисқартириш ёки қайта сотиб олиш ёки ўзининг исталган акцияларини бекор қилиш;

с) бошқа банкларда исталган бошқа ҳисоб рақамларини очиш.

т) бошқа кредиторлардан кредит ва қарз олиш, бошқа шахсларга кредит ва қарз бериш, учинчи шахсларнинг кредиторлари олдида кафил (ёки гарант) бўлиш;

у) мулкнинг ҳаммасини ёки бир қисмини сотиш ёки бошқа йўллар билан бегоналаштириш, бегона шахсларга бериш, ижарага бериш, гаровга қўйиш, ушлаб қолиш ҳуқуқи ва учинчи шахслар фойдасига ўз мулкига нисбатан бошқа имтиёзли ҳуқуқларни вужудга келтириш;

12.2. Шартноманинг 12.1-бандида келтириб ўтилган инкор мажбуриятлардан бири Қарз олувчи томонидан бажарилганлиги Банкка маълум бўлиб қолган тақдирда Банк кредит мабалағларини муддатидан олдин қайтариб олиш чорасини кўриши мумкин.

ХШ. ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ ТАСДИҚЛОВЛАРИ

13.1. Қарз олувчи ушбу ҳужжат (шартнома) билан тасдиқлайдики:

а) у тегишлича тузилган ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган юридик шахсдир;

б) мазкур Шартномани имзолаган шахслар Қарз олувчининг таъсис ҳужжатларига мувофиқ бунга тегишлича ваколатланган ва Қарз олувчи Шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажаришга ҳақли ҳамда ушбу мажбуриятлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳақиқий ва унга нисбатан қўлланила олади;

в) Шартномани имзолаш ва уни бажариш Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига, Қарз олувчининг устав ҳужжатларига, шунингдек Қарз олувчи томони бўлган учинчи томонлар билан исталган бошқа келишувларга зид келмайди;

г) Қарз олувчининг мажбуриятларига қонуний куч бериш учун зарур бўлган барча керакли рухсатлар, лицензиялар, ваколатлар, рўйхатдан ўтказишлар, тасдиқловлар ва бошқа ҳаракатлар ва ҳужжатлар олинган ва кучга кирган;

д) Қарз олувчига қарши маъмурий, арбитраж ва суриштирув, тергов, суд ҳаракатлари кўзгатилмаган ҳамда Қарз олувчининг фаолиятига ёки унинг мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришига салбий таъсир этиши мумкин бўлган учинчи томонлар олдидаги бажарилмаган мажбуриятлари мавжуд эмас;

е) Қарз олувчи ўзининг исталган активлари юзасидан учинчи томонларнинг фойдасига



Қарз олувчи _____

гаровларни ҳосил қилмаган;

ж) мазкур Шартнома бўйича Мажбуриятларни бажармаслиги ҳолат(лар)и мавжуд эмас;

з) мазкур Шартнома бўйича тўлов мажбуриятларини таъминлаш учун Қарз олувчи, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 783-моддасига мувофиқ мазкур ҳужжат билан Банкка Қарз олувчининг Банкдаги ва бошқа банклардаги исталган ҳисоб рақамларидан исталган валютадаги пул маблағларини Қарз олувчининг бундай ҳисобдан чиқариш учун бирор-бир топшириқлари ва/ёки розиликларисиз, сўзсиз ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини беради.

и) *Қарз олувчи Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертизаси тўғрисида” ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги 949-сонли “Давлат экологик экспертизаси тўғрисида” ги Низом шартлари асосида фаолият кўрсатади ва ўз фаолиятдан келиб чиққан ҳолда юқоридаги қонун ва низомда кўрсатилган шартларни бажаради.*

13.2. Қарз олувчи тушунадики:

а) Банк Қарз олувчининг мавжуд маблағларини тўлов валютасига конвертация қилишдаги бозорда бундай валюта топилмаганлиги туфайли ёки бошқа сабаблар билан исталган кечиктиришлар учун жавобгар бўлмайди;

б) Банк Кредитор юқоридаги маблағни тўлиқ ҳажмида ва муддатларда ажратилишини таъминлаган ҳолда мазкур Шартноманинг 2.1.-бандида кўрсатилган ҳажмда ва белгиланган муддатларда кредитни беришни зиммасига олади.

в) Банк Банк ва Қарз олувчи ўртасидаги Шартнома бекор қилинган ва/ёки Банк томонидан Қарз олувчи олдидаги мажбуриятлар бажарилган ва Қарз олувчи Банкнинг олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда ёки Банкнинг назарида Қарз олувчининг кредит маблағларини белгиланган муддатда қайтаришига шубҳа бўлганда ўз фармойиши билан қарзнинг тўлиқ миқдорини ёки унинг бир қисмини муддатидан илгари ундириш учун тақдим этишга ва/ёки қарзларни қоплашни белгиланган тартибда мустақил амалга оширишга ҳақли. Қарз олувчининг Банк олдида шундай қарзи юзага келган ҳолда, кредит бўйича маблағларни муддатидан илгари ундириш белгиланади.

XIV. МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛМАСЛИГИ ҲОЛАТЛАРИ

14.1. Қуйидаги ҳолатлардан исталган бири Мажбуриятлар бажарилмаслиги ҳолати бўлади:

а) Қарз олувчи мазкур Шартнома бўйича белгиланган тегишли санада Кредит бўйича, фоизлар, комиссиялар ёки бошқа тўловлар бўйича ёки ушбу Лойиҳанинг амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган Банк билан бошқа исталган шартнома бўйича тўловни амалга оширмаса;

б) Банкнинг фикрича Лойиҳани амалга оширишга ёки Қарз олувчининг Банк олдидаги тўлов мажбуриятларини бажаришга жиддий таъсир этиши мумкин бўлган воқеалар содир бўлса, шу жумладан кредит мақсадсиз ишлатилса, Қарз олувчи зарар кўриб ишлаётган бўлса, Лойиҳа ижросини таъминламай қўйса, банк талаб этган маълумот, ҳисобот, изох, сертификат, лицензия, хулоса ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни ёзма равишда тақдим этмаётган ёки бу ишни пайсалга солаётган бўлса, тақдим этган ҳисоботлари, маълумот ва изохлари ҳақиқий бўлиб чиқмаса, ноликвид балансга эга бўлса, бизнес режадан жиддий орқада қолса ва бунинг ҳақиқий сабаб(лар)ини Банкка ёзма равишда тушунтирмаса, ишлаб чиқариш ёки фаолияти манзилени Банкни хабардор этмаган равишда ўзгартирса;

в) мазкур Шартнома бўйича молиялаштириладиган Лойиҳа ёки Контракт Банкнинг розилигисиз ўзгартарилади ёки бекор қилинади, қиймат, амалга ошириш муддатлари, ишлаб чиқариш қувватини ва маҳсулот сифатини ўзгартариш ҳамда томонларнинг кафолат мажбуриятлари ўзгариши билан боғлиқ ҳолатлар бундан мустасно, шунингдек Қарз олувчи томонидан мазкур Шартноманинг XIII Бўлимида кўрсатилган шартлар бажарилмайди, унга кўра барча мажбуриятлар бажарилиши ҳолати бундан мустасно;

г) Банкни аввалдан ёзма хабардор этмаган ҳолда Қарз олувчининг асосий капиталини камайтириш, қайта ташкил этиш, қўшиш, мулкни бериш, бўлиш ёки тугатиш амалга оширилади;

д) Қарз олувчининг Банкка Лойиҳа юзасидан, Лойиҳанинг бажарилиши ёки мазкур



QR код

Қарз олувчи _____

шартнома юзасидан тақдим этилган исталган ёзма аризаси, ҳисоботи ёки маълумотлари, уларнинг тақдим этиш вақтига келиб ҳақиқатга мос келмаган деб тан олинса;

е) Қарз олувчининг молиявий ҳолати ёмонлашса ёки Қарз олувчи ўзининг учинчи томонлар билан исталган шартномалар бўйича тўлов ёки бошқа мажбуриятларини бажармайди, бу эса Банкнинг фикрича, Қарз олувчининг мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришга таъсир этиши мумкин;

ж) Банк учун Кредитни беришни ёки Кредит бўйича Қарз мавжудлигини мумкин эмас ёки мақсадга номувофиқ қилувчи, ёки Қарз олувчининг мазкур Шартнома бўйича исталган мажбуриятларни бажаришга таъсир этувчи қонунчилик ёки тартибга солувчи қоидалар киритилса;

з) Лойиҳанинг тегишлича бажарилиши ва Қарз олувчига мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларини тегишлича бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай рухсатномалар, сертификатлар, лицензиялар, рўйхатдан ўтказишлар, гувоҳномалар ва ҳоказолар ўз кучини йўқотса ёки бундай ҳужжатларсиз бошқа фаолият бошлагани Банкка маълум бўлиб қолса;

и) Қарз олувчи ўз тўлов мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмай қолса ёки унга қарши банкротлик тўғрисида иш қўзғатилган, ёки Қарз олувчи банкрот деб эълон қилинса;

к) Қарз олувчи томонидан Банкка Кредит бўйича тақдим этилган исталган таъминот йўқотилса, ўз қиймати камайса ёки умуман йўқолса ёхуд ҳақиқий бўлмай қолса;

л) Қарз олувчи мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларини бажармаса;

м) Банк Қарз олувчининг Лойиҳа бўйича назорат ва ҳисобот амалларидан қониқмаган, Қарз олувчи манзилига чиқиб Лойиҳани таҳлил этиш, кузатиб бориш ва мониторинг ўтказиш имкониятисиз қолса ёки Қарз олувчини назорат қилиш учинчи шахсларга берилса;

н) исталган ваколатли орган томонидан Қарз олувчини тарқатиш ёки фаолиятини тўхтатиш юзасидан исталган ҳаракатлар амалга оширилган ёки Қарз олувчи учун шунга ўхшаш аҳамияти бўлган бошқа исталган ҳаракат содир этилса.

14.2. Қарз олувчи тўловга лаёқатсиз деб топилганда, кредитни таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганда, кредитдан мақсадсиз фойдаланганда, шартнома имзолангандан кейин тақдим этилган кредитни қайтарилишига таъсир кўрсатувчи маълумот ва ҳисоботларнинг ҳаққоний эмаслиги аниқланганда ҳамда Банкнинг ушбу шартнома бўйича мажбуриятлари кучга кирганидан сўнг Қарз олувчи томонидан кредитдан 10 (ўн) кундан кўп муддат давомида фойдаланилмаганда (тўлов ҳужжатларини тақдим этмаслик) ушбу шартномада назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортиши мумкин.

14.3. Кредит муддатида ажратилмаган тақдирда, ҳар бир муддати ўтган кун учун Қарз олувчига ажратилмаган кредит суммасининг 50 фоизидан ошмаган ҳолда кунлик 0,01 % миқдорида пеня тўлайди;

14.4. Қарз олувчи томонидан мунтазам равишда шартнома шартларига амал қилмаслик ҳолати кузатилган тақдирда, банк шартномани бир томонлама бекор қилиши ва асосий қарз, унга ҳисобланган фоиз тўловлари, бой берилган фойда ҳамда бошқа харажатларни ундириш ҳуқуқига эга. Шунингдек, суддан ташқари тартибда ундирув гаров мулкига қаратилган тақдирда гаров мулки банкнинг буюртмаси асосида аукционга қўйилиши мумкин.

XV. ТЎХТАТИБ ТУРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ, МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛМАСЛИГИ ҲОЛАТИ ЮЗ БЕРГАНДА БАНК ҲАРАКАТЛАРИ

15.1. Мажбуриятлар бажарилмаслиги ҳолати юзага келганда Банк ўз ихтиёрига кўра қуйидаги ҳаракатлардан исталган бирини амалга оширишга ҳақли:

а) Қарз олувчига Мажбуриятлар бажарилмаслиги ҳолати юзага келгани ҳақидаги хабарномани вазиятни тузатиш муддатини белгилаган ҳолда юбориш;

б) ссуда қарзининг қолдиғидан йиллик 0,3% гача бўлган миқдорда мажбуриятни бажармаган ҳар бир кун учун, лекин кўпи билан кредит қийматидан 5% гача миқдорда пеня ҳисоблаб бориш ва ўз фармойиши билан Қарз олувчининг исталган ҳисоб рақамларидан исталган вақтда ҳисобдан чиқариш;

в) Қарз олувчининг Кредитдан кейинги фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиб туриш ёки уни



бекор қилиш;

г) Кредитнинг барчасини ёки бир қисмини муддатидан илгари ва дарҳол қайтарилишини талаб қилиш;

д) мазкур Шартноманинг IX Бўлимига мувофиқ гаровга қўйилган таъминотни сотиш юзасидан исталган ҳуқуқларидан фойдаланиш.

Мақсадсиз ишлатилган кредит жарима қўлланилганидан кейин банк талаб қилган муддатда қайтарилмаган тақдирда, уни қонунчиликда белгиланган тартибда муддатидан аввал тўлик ундириш ва ҳуқуқбузарлик юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига маълумот бериш юзасидан тегишли чоралар қўрилади.

15.3. Ҳисобланган жарималар Банк томонидан Қарз олувчининг барча ҳисобрақамларидан белгиланган тартибда сўзсиз ундириб олинади.

XVI. ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНИ БЕРИШ

16.1. Банк Қарз олувчининг мазкур Шартнома бўйича тўлов ва бошқа мажбуриятларини Қарз олувчининг розилигисиз исталган учинчи томон фойдасига сотиш, ўтказиш ёки бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли, ва бунда учинчи томон бу ҳолда Банкнинг мазкур Шартнома бўйича барча ҳуқуқларига эга бўлади. Қарз олувчи ўз ҳисобига Банкнинг сўровига кўра ушбу ўтказишга юридик қонуний тус бериш учун зарур бўлган барча ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини зиммасига олади.

Қарз олувчи ўзининг мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларини Банкнинг аввалдан ёзма розилигисиз беришга ёки бошқача тарзда уларни тасарруф этишга ҳақли эмас.

16.2. Банк ва Қарз олувчи ўзаро пул талаблари ҳуқуқига эга бўлган ҳолда Банк ўз ихтиёрига кўра Қарз олувчининг Банкка бўлган талабларини ўзининг Қарз олувчига бўлган талабига нисбатан ҳисобга киритиши мумкин.

Қарз олувчи Банкнинг аввалдан ёзма розилигисиз исталган қарши талабларини ҳисобга киритиш ҳуқуқига эга эмас.

XVII. МОНИТОРИНГ

17.1. Банк кредитдан фойдаланиш муддати давомида Қарз олувчи фаолиятини доимий мониторинг қилиб боради.

17.2. Мониторинг ўтказиш жараёнида қарз олувчининг молиявий-хўжалик фаолияти, тузган шартномалари (буюртмалар) бўйича мажбуриятларининг бажарилаётганлиги, ишлаб чиқариш ҳажми, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишлари, фойдаси, айланма маблағлари айланмаси ва динамикаси ҳамда товар-моддий бойликлар захираси, тайёр, ярим тайёр маҳсулотлар қолдиғи ҳолати таҳлил қилиб борилади.

17.3. Мониторинг давомида қарз олувчининг фаолияти билан боғлиқ барча ижобий ва салбий ҳолатлар, шунингдек тақдим этилган гаров таъминотининг ҳолати қарз олувчи учун Банкда очилган махсус жилдда тизимлаштириб борилади.

17.4. Кредитдан белгиланмаган мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, Банк Қарз олувчига келгусида кредит беришни рад этишга, шунингдек кредитнинг қолган қисмини ёки кредит суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин қайтариб олишга ҳамда шартномада белгиланган шартлар асосида жарима белгилашга ҳақлидир.

17.5. Қарз олувчи кредит бўйича асосий қарзи ва унга ҳисобланган фоизларни шартнома шартлари асосида тўлашдан ёки гаров шартномаси шартлари асосида гаров мулкини Банк тасарруфига беришдан бош тортган ҳолларда, Банк томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган чоралар қўрилади.

Қарз олувчи/ёки гаровга тақдим этувчи гаров объектининг кредит Қарз олувчилигини ёпиш учун судсиз сотувга қўйилиши учун расмийлаштириладиган ҳужжатларни тан олиб уни тегишлича имзолашга қаршилик қилмайди.

Агар Қарз олувчининг гаров таъминоти кредит бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизларни қайтаришга етмаган тақдирда, Банк мазкур қарзни қайтаришни Қарз олувчининг



ликвидли мол-мулки, жумладан ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари, транспорт воситалари, компьютер ҳамда ташкилотларнинг бошқа ликвидли активлари ҳисобига Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабрдаги 422-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 23-сон, 186-модда) билан тасдиқланган Банкларни кредитлари бўйича Қарз олувчилик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувни Қарз олувчиларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш тартибига мувофиқ амалга ошириши мумкин.

17.6. Банк гаровга тақдим қилинган мол-мулкнинг ҳолатини мониторинг қилиб боришга ҳақли. Гаров объекти учинчи шахсга тегишли бўлса Қарз олувчи гаров объектининг тўсқинликсиз мониторинг қилинишига ёрдам беради.

17.7. Мониторинг натижасига кўра ҳолисона тузилган ҳар қандай ҳужжатга Қарз олувчи (гаровга тақдим этувчи учинчи шахс) ва бошқалар имзо чекишга бўйин товламасликлари лозим.

17.8. Кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинadиган автотранспорт воситалари, махсус техникалар, кучмас мулклар ва бошқа давлат рўйхатидан ўтадиган мол-мулкларни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида мақсадли ишлатилиши текшируви масофавий амалга оширилиши мумкин. Бунда тақдим этиладиган материал (видео ёзувлар, расмлар) ва ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги, уларни ўз вақтида тақдим этилиши тўлиқ миқдорнинг (кредит олувчи) жавобгарлиги ҳисобланади.

17.9. Ажратилган кредитлар бўйича гаров таъминотининг бутлигини ўрганиш, Банкнинг хошишига кўра, масофавий оширилиши мумкин. Бунда тақдим этиладиган материал (видео ёзувлар, расмлар) ва ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги, уларни ўз вақтида тақдим этилиши тўлиқ миқдорнинг (кредит олувчи, гаров тақдим қилувчи) жавобгарлиги ҳисобланади.

Мижоз (гаров тақдим қилувчи) Банкка гаров объекти мавжудлигини унинг иштирокисиз, ёзишмалар ва автоматлаштирилган дустурлар орқали ўрганилишига эътироз билдирмайди, аксинча бунга кўмаклашади.

XVIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

18.1. Мазкур шартнома шартлари юзасидан тарафлар ўртасида юзага келадиган низо ва келишмовчиликлар ўзаро музокара олиб бориш йўли билан ҳал қилинади.

18.2. Ўзаро келишув имконияти бўлмаганда, ҳуқуқи бузилган тараф томонидан юборилган талабнома ёки огоҳлантириш хатига иккинчи тараф 10 (ўн) кун ичида жавоб бериши лозим. Талабнома ва/ёки огоҳлантириш хати тарафга шахсан топшириш, электрон почта манзилига юбориш ёки почта алоқа хизмати орқали буюртма хат билан юбориш йўли билан амалга оширилади.

18.3. Низони судгача ҳал қилиш юзасидан топширилган (юборилган) талабномада ёки огоҳлантириш хатида кўрсатилган талаблар белгиланган муддатда лозим даражада бажарилмаган тақдирда, ҳуқуқи бузилган тараф Банк жойлашган ҳудуддаги судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақли.

XIX. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР ВА ШАРТНОМАНИНГ КУЧГА КИРИШИ

19.1. Мазкур Шартнома тарафлар томонидан имзолаган санадан бошлаб кучга киради ва тарафлар шартномадан келиб чиқувчи ўз мажбуриятларини тўлиқ бажариб бўлгунларига қадар амал қилади. Шунингдек Қарз олувчи кредит миқдори ажратилгунга қадар бепул – ортиқча тўловларсиз кредитдан воз кечиш ҳуқуқига эга.

19.2. Мазкур шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёзма тартибда тарафларнинг розилиги билан амалга оширилади.

19.3. Тарафлар томонидан имзоланган ва Банк томонидан муҳр босилган, ёзма равишда тузилган мазкур шартномага қўшимчалар юридик кучга эгадир.

19.4. Ушбу шартномада кўрсатилган манзил бўйича юборилган талабнома ва/ёки огоҳлантириш хати Қарз олувчига почта орқали юборилганида қарздорнинг почта манзили ўзгарган бўлса ёки талабнома ва/ёки огоҳлантириш хатини қабул қилмаса, талабнома ва/ёки огоҳлантириш хати топширилган саналади.



QR код

Қарз олувчи _____

19.5. Қарздорликни ундириш юзасидан келиб чиқган низоларни судда ҳал этиш ҳаражатлари (давлат божи, почта ҳаражатлари ва бошқа ҳаражатлар) ва қарздорликни ундириш бўйича қилинган бошқа ҳаражатлар Қарз олувчидан ундирилади (Қарз олувчи томонидан копланди).


19.6. Мазкур шартноманинг бир ёки бир нечта шarti қонунга ёки суд қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотса, шартноманинг бошқа шартлари бекор бўлишига асос бўлмайди.

19.7. Ушбу шартномада назарда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида тартибга солинади.

19.8. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган уч нусхада тузилди. Томонларга ва нотариал идорага бир нусхада тақдим этилади.

19.9. Мазкур шартнома ва бошқа масалалар юзасидан Қарз олувчи 1284 қиска рақамлари орқали Банк билан боғланиши мумкин.

XX. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

Банк:	Қарз олувчи:
«ДАВР БАНК» ХАТБ Олмазор филиали Манзили: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Шимолий Олмазор кўчаси, 17-Б уй. Почта индекси: 100057, Вакиллик ҳисоб рақами - 16103000100001121001, МФО - 01121, СТИР – 207212359	
Бошқарувчи в.в.б. 	
М.Ў.	М.Ў.

Мазкур шартнома лойихаси амалдаги қонунчилик нормаларига мос тарзда тузилган бўлиб, унинг шартлари, яъни шартнома предмети, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳисоб-китоблар ва низоларни ҳал этиш тартиби ҳамда бошқа шартлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни талабларига зид эмас ҳамда ҳуқуқий жихатдан тўғри расмийлаштирилган.

Ҳуқуқшунос _____




Қарз олувчи _____

Тўлов санаси	Умумий қарздорлик бўйича қолдиқ	Асосий қарздорлик бўйича ойлик тўлов миқдори	Фоишлар бўйича ойлик тўлов миқдори	Ойлик тўлов умумий миқдори
12.08.2025	300 000 000,00	0,00	0,00	0,00
02.09.2025	300 000 000,00	0,00	5 178 082,19	5 178 082,19
02.10.2025	300 000 000,00	0,00	7 397 260,28	7 397 260,28
03.11.2025	298 037 678,82	1 962 321,18	7 890 410,95	9 852 732,13
02.12.2025	295 288 858,49	2 748 820,33	7 103 911,80	9 852 732,13
02.01.2026	292 959 924,67	2 328 933,82	7 523 798,31	9 852 732,13
02.02.2026	290 571 650,90	2 388 273,77	7 464 458,36	9 852 732,13
02.03.2026	287 406 047,17	3 165 603,73	6 687 128,40	9 852 732,13
02.04.2026	284 876 263,64	2 529 783,53	7 322 948,60	9 852 732,13
04.05.2026	282 516 167,49	2 360 096,15	7 492 635,98	9 852 732,13
02.06.2026	279 397 382,36	3 118 785,13	6 733 947,00	9 852 732,13
02.07.2026	276 433 900,76	2 963 481,60	6 889 250,53	9 852 732,13
03.08.2026	273 851 758,89	2 582 141,87	7 270 590,26	9 852 732,13
02.09.2026	270 751 535,89	3 100 223,00	6 752 509,13	9 852 732,13
02.10.2026	267 574 869,02	3 176 666,87	6 676 065,26	9 852 732,13
02.11.2026	264 539 797,94	3 035 071,08	6 817 661,05	9 852 732,13
02.12.2026	261 209 964,94	3 329 833,00	6 522 899,13	9 852 732,13
04.01.2027	258 442 105,83	2 767 859,11	7 084 873,02	9 852 732,13
02.02.2027	254 749 500,61	3 692 605,22	6 160 126,91	9 852 732,13
02.03.2027	250 759 496,71	3 990 003,90	5 862 728,23	9 852 732,13
02.04.2027	247 295 979,15	3 463 517,56	6 389 214,57	9 852 732,13
03.05.2027	243 744 213,07	3 551 766,08	6 300 966,05	9 852 732,13
02.06.2027	239 901 612,22	3 842 600,85	6 010 131,28	9 852 732,13
02.07.2027	235 964 262,31	3 937 349,91	5 915 382,22	9 852 732,13
02.08.2027	232 123 770,29	3 840 492,02	6 012 240,11	9 852 732,13
02.09.2027	228 185 424,63	3 938 345,66	5 914 386,47	9 852 732,13
04.10.2027	224 334 281,75	3 851 142,88	6 001 589,25	9 852 732,13
02.11.2027	219 828 695,52	4 505 586,23	5 347 145,90	9 852 732,13
02.12.2027	215 396 396,97	4 432 298,55	5 420 433,58	9 852 732,13
03.01.2028	211 208 885,15	4 187 511,82	5 665 220,31	9 852 732,13
02.02.2028	206 564 043,34	4 644 841,81	5 207 890,32	9 852 732,13
02.03.2028	201 634 892,51	4 929 150,83	4 923 581,30	9 852 732,13
03.04.2028	197 085 434,27	4 549 458,24	5 303 273,89	9 852 732,13
02.05.2028	191 930 354,96	5 155 079,31	4 697 652,82	9 852 732,13
02.06.2028	186 967 903,10	4 962 451,86	4 890 280,27	9 852 732,13
03.07.2028	181 879 010,70	5 088 892,40	4 763 839,73	9 852 732,13
02.08.2028	176 510 966,50	5 368 044,20	4 484 687,93	9 852 732,13



04.09.2028	171 445 792,09	5 065 174,41	4 787 557,72	9 852 732,13
02.10.2028	165 538 661,75	5 907 130,34	3 945 601,79	9 852 732,13
02.11.2028	159 903 764,02	5 634 897,73	4 217 834,40	9 852 732,13
04.12.2028	154 256 719,93	5 647 044,09	4 205 688,04	9 852 732,13
02.01.2029	148 080 791,81	6 175 928,12	3 676 804,01	9 852 732,13
02.02.2029	142 001 077,11	6 079 714,70	3 773 017,43	9 852 732,13
02.03.2029	135 416 314,98	6 584 762,13	3 267 970,00	9 852 732,13
02.04.2029	129 013 916,35	6 402 398,63	3 450 333,50	9 852 732,13
02.05.2029	122 342 349,28	6 671 567,07	3 181 165,06	9 852 732,13
04.06.2029	115 807 943,89	6 534 405,39	3 318 326,74	9 852 732,13
02.07.2029	108 620 380,88	7 187 563,01	2 665 169,12	9 852 732,13
02.08.2029	101 535 236,53	7 085 144,35	2 767 587,78	9 852 732,13
03.09.2029	94 353 020,21	7 182 216,32	2 670 515,81	9 852 732,13
02.10.2029	86 749 250,48	7 603 769,73	2 248 962,40	9 852 732,13
02.11.2029	79 106 841,72	7 642 408,76	2 210 323,37	9 852 732,13
03.12.2029	71 269 708,57	7 837 133,15	2 015 598,98	9 852 732,13
02.01.2030	63 174 311,72	8 095 396,85	1 757 335,28	9 852 732,13
04.02.2030	55 035 074,62	8 139 237,10	1 713 495,03	9 852 732,13
04.03.2030	46 448 903,11	8 586 171,51	1 266 560,62	9 852 732,13
02.04.2030	37 703 309,22	8 745 593,89	1 107 138,24	9 852 732,13
02.05.2030	28 780 247,73	8 923 061,49	929 670,64	9 852 732,13
03.06.2030	19 684 475,54	9 095 772,19	756 959,94	9 852 732,13
02.07.2030	10 300 935,02	9 383 540,52	469 191,61	9 852 732,13
02.08.2030	0,00	10 300 935,02	262 462,18	10 563 397,20
		300 000 000,00	284 744 471,08	584 744 471,08

<u>Банк:</u>	<u>Қарз олувчи:</u>
<p>«ДАВР БАНК» ХАТБ Олмазор филиали Манзили: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Шимолий Олмазор кўчаси, 17-Б уй. Почта индекси: 100057, Вакиллик ҳисоб рақами - 16103000100001121001, МФО - 01121, СТИР – 207212359</p>	
<p>Бошқарувчи в.в.б. </p>	
<i>М.Ў.</i>	<i>М.Ў.</i>



Қарз олувчи _____